



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 3 - avgust

659к -son

Boğ‘ot shaharchasi

Boğot tumani “Madaniyat” mahallasi hududidan fuqaro Эгамбердиева Нигора Райимбердиевнага “Нон ва миллий ширинлик махсулотларини ишлаб чиқариш” биноси қуриш учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Боғот туман кенгаши раиси О.Матниёзовнинг фуқаро Эгамбердиева Нигора Райимбердиевнага “Маданият” маҳалласи худудидан “Нон ва миллий ширинлик махсулотларини ишлаб чиқариш” биноси қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йилдаги сўровномасини, Хоразм вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг тегишли хулосасини, туманда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар келажакимиз” Давлат дастури тўғрисидаги 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланиб;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Маданият” маҳалласи худудидан фуқаро Эгамбердиева Нигора Райимбердиевнага “Нон ва миллий ширинлик махсулотларини ишлаб чиқариш” биноси қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган жами 600,0 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

2. Фуқаро Эгамбердиева Нигора Райимбердиевнага ушбу ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлиmidан архитектура режалаштириш топшириғини ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Қ.Хусаинов)га ер ҳисобини тузган вақтда ушбу ўзгаришни ҳисобга олиш ҳамда фуқаро Эгамбердиева Нигора Райимбердиевнага тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бериш вазифаси топширилсин.

4. Фуқаро Эгамбердиева Нигора Райимбердиевна қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажариши, ушбу ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланмаслиги ҳамда ер участкасидан 2 йил мобайнида тўлиқ фойдаланиб ва қурилишни тугаллаб Давлат қабул қилиш комиссиясига топширмаганда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев